



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўзбек геология қидирув” АЖ

Бошқарув раиси

Ш.П.Алимов

2024 йил “10” “май”

“Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Коррупцияга қарши ички назорат  
бўлими бош мутахассисининг Самарқанд МГҚЭ Зармитан ДЭ  
112-114-122-сон бурғилаш агрегатлари (иш жойида) ишчи ва муҳандис  
техник ходимлари иштирокида ўтказилган ўқув семинарининг

1- сонли БАЁНИ

2024 йил 24 апрель

Зармитан олтин майдони

**Маъruzачилар:**

Коррупцияга қарши ички назорат бўлим бош мутахассиси К. Мажидов ва масъул А. Олмасов

**Қатнашганлар:**

МГҚЭ Зармитан ДЭ 112-114-122-сон бурғилаш агрегатлари ишчи-ходимлар жами 10 нафар.

**Ўқув семинар мавзулари.**

1. “Акциядорлик жамиятининг Ахлоқ Кодекси”.
2. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши қурашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби.
3. “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғриси Низом”

**ЎҚУВ МАЪРУЗАДА.**

Ўқув семинарида маъruzachi томонидан тингловчиларга:

1. Ўқув семинар қатнашчилари Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2023 йил 4 августдаги 01-2023-сонли мажлис қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган ““Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг Ахлоқ Кодекси” мазмун моҳияти билан таниширилди.

Мазкур Кодексга асосан Жамият ходимларининг хукуқ ва мажбуриятлари, кийиниш, сўзлашиб одоблари ҳамда Жамиятнинг ходимлар олдидаги одоби, хурмати кабилар тушунирилди.

Шунингдек Ахлоқ Кодексининг тамойиллари, мақсадлари, қоидалари, ва мажбуриятлар ўқиб берилди.

Кодекс акциядорлик жамиятида касбий маданиятни ошириш ва юксалтиришга хизмат қилиши етказилди.

Одоб-ахлоқ кодексининг тамойиллари.

Акциядорлик жамияти ходимлари ўз касбий фаолиятини қуидаги тамойиллар асосида амалга ошириши шарт:

қонунийлик;

Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини түлиқ бажариш, ижро интизомига қатыйй риоя этиш;

фуқаролар хукуқлари, әркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;

хизмат сирини қатыйй сақлаш;

мансаб ваколатларини суиистеъмол қилмаслик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича тушунтирилди.



2. Коррупцияга оид хукуқбузарликлар ҳакида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби бўйича маълумот беришдан олдин Жамиятнинг 2022 йил 14 январда тасдикланган “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятига таркибий бўлинмалардан алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти” мазмун-моҳияти, мақсадлари тушунтирилди. Сўнгра 2023 йил 29 март куни 49-сонли буйруқ билан коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳакида хабар берган ва бу хабар тасдигини топганда рағбатлантиришлар белгилангани бўйича тўлиқ хабардор қилинди. Шу билан биргаликда шчи-ходимларнинг, мансабдор шахсларнинг обрўсига таъсир қўрсатиши мумкин бўлган ёлғон ва асоссиз хабарларни келиб тушишини олдини олиш мақсадида мазкур буйруқ билан жавобгарликлар ҳам акс этганлиги тўғрисида ўқитилди. Ҳамда ҳар кандай коррупциявий ҳаракат ҳақида хабар берган ходимнинн шахси сир сақланиши, кейинчалик ҳам унинг дахлсизлиги таъминланиши ва тегишли суммаларда рағбатлантирилиши таъкидланди.

Ўкув семинар қатнашчилари Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2023 йил 4 августдаги 01-2023-сонли мажлис қарорининг 3-иловаси билан тасдиқланган ““Ўзбек геология қидирув” АЖнинг қоидабузарликлар ҳақида хабар қилиш Сиёсати” ўқитилди.



3. Жамиятнинг 2021 йил 27 декабрдаги ““Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти, таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низоми”, Акциядорлик жамияти кузатув кенгашининг 2023 йил 4 августдаги 01-2023-сонли мажлис қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган ““Ўзбек геология қидирув” АЖнинг Манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати”лари мазмун моҳияти тушунтирилиб барчага эгаллаб турган лавозими ва бажараётган хизмат ваколатларидан қатъий назар Жамиятнинг барча ходимларига тегишлилиги ўқитилди.

Манфаатлар тўқнашувларини олдини олиш ёки мавжудларини бартараф этиш чоралари ва йўллари айтилди.

Ўкув семинари якунида 112-114-122-сонли Бурғилаш агрегатлари ишчиларидан аноним сўровномалар олинди.

**Коррупцияга қарши ички  
назорат бўлими бошлиғи**

Д.Сайдаборов

**Коррупцияга қарши ички назорат  
бўлим бош мутахассиси**

Қ.Н.Мажидов